

TAMADDUN NURI

Har qanday
taraqqiyotning
asosi fandir

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, ISSN 2181-8258
adabiy-badiiy jurnal

2018-yil, 2-son



Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-баддий журнал

МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Муҳаммад АЛИ
Кенгесбой КАРИМОВ
Сирожиддин САЙИД
Иқбол МИРЗО
Гулистон МАТЁКУБОВА
Қурбон ШОНИЁЗОВ
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Дониёр ҲОЖИЕВ
Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара ҚУРБОНБОВЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:
Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Нагмет АИМБЕТОВ
Файратдин ХУЖАНИЁЗОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОВЕВ
Қувончбой УРОЗИМБЕТОВ
Шорустам ШОМУСАРОВ
Каримбой ҚУРОМБОВЕВ
Зарифбой ДУСИМОВ
Олмос УЛВИЙ
Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Алима БЕРДИМУРОДОВА
Марат НИЕЗИМБЕТОВ
Неъмат ПОЛВОНОВ
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА
Баҳодир ЭШОВ

Машариб АБДУЛЛАЕВ
Ўқтам МАВЛОНОВ
Мухаммадшариф ХУЖАНИЁЗОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ
Сафо МАТЖОНОВ
Усербой АЛЕУВ
Мэлс ҚОБУЛОВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ
Фотограф: Рўзнат ЎТАМУРОДОВ
Саҳифаловчи-бозовчи:
Ғиёсиддин ҲАРАРОВ

Техник муҳаррир:
Улугбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали
таҳририятнинг компьютерида
саҳифаланди.

Манзилими: Қорақалпоғистон
Республикаси, Беруний тумани
"Халқлар дўстлиги" кўчаси, 11-уй.
e-mail: qurbonboeva@inbox.ru

Тел.: (+99893) 718-30-23;
(+99894) 452-71-95.

ИНСОН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ
Фарҳод ЭРМАНОВ. Кичик санаот зоналари – мамлакат ривожига катта имконият. 4

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ТАСДИГИ
Рустам ҚУРБОНБОВЕВ. Ривожланишнинг тўртта устуни. 6

ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ
Баҳрам ҚТАЙБЕКОВ. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 8

ТАРИХ
Мирзохид АСҚАРОВ. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар
стратегиясида Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг аҳамияти ва ўрни. 10
Ғайратдин ХУЖАНИЁЗОВ. Норинжон калъаси ва Норинжон бобо мажмуаси. 14
Нозима ИБРАГИМОВА. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд
зиёратгоҳларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. 18
Ёсин ОРТИКОВ. Ўзбекистон дунганлари. 40
Ёқутхон ВАҲОБОВА. Ёшлар тарбиясида Наврўз байрамининг ўрни ва унинг
ўзига хос урф-одатлари тўғрисида. 25

ТАРИХ. ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ
Аҳхам МАВЛОНОВ. Пергам кутубхонаси тарихи. 22

ЎТМИШ
Ўмид БЕКМУҲАММАД. Сохталаштирилган Умар Хайём. 28

АДАБИЁТШУНОСЛИК
Саят ЖЕПБАРОВА. Миллий истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида
Махтумқули ижодининг таъқиқ қилиниши. 30
Олмос УЛВИЙ. Тилшунос ва шарқшунос олим Холид Саидхўжаев. 35
Саъдулла МАТЯКУЛОВ. Муқаддас ҲАҚҚОВА. Муҳаммад Юсуф
шеъриятида ҳаётий ҳақиқат ва баддий маҳорат. 57

ТАБОБАТ ТАРИХИДАН
Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ. Ўзбек халқ табobatiда ташхис қўйиш анъаналари. 44

НАЗМ
Гулистон МАТЁКУБОВА. Юрт сўймоғи жаҳондаги йўлларга тенг. 48

НАСР
Жамила ЭРҒАШЕВА. Бойбичча. Ҳикоя. 64

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ
Кенгесбой АЛЛАМБЕРГЕНОВ. Ижод фақлининг эркин ва гўзал оҳанглари. 52

СУҲБАТ
Замон, инсон ва модерн шеърят. 60

ТИЛШУНОСЛИК
Ҳабибулло БАЙМАНОВ. Хайрулло САТТОРОВ. Немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға
хос сифатларнинг семантик таснифи. 68

ТАРИХ. БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ
Дилбар ОРТИКОВА. Абу Али Ибн Сино маънавий-ахлоқий
қарашларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни. 70

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
О.Генри. Ишбилармон мактабнинг муҳаббат қиссаси. 74

ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ
Зироатнома. 77

Босишга 20.04.2018 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¼. Нашриёт ҳисоб табоғи 6.5.


Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури" дан олинди деб изоҳланиши
масъулдир. Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг тўғрилиги учун муаллифлар
таи назарига мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 43.
Адади 2600 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТДА ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ



Саъдулла
МАТЯКУПОВ,
Нукус ДПИ Узбек
адабиёти кафедраси
доценти



Муқаддас
РАЗЗАҚОВА,
Нукус шаҳридаги
“Прогресс” Таълим ва
Ривожланиш маркази
ўқитувчиси

Ижодкор кечинмаларининг намоён бўлиши шеъриятда анча мураккаб кечеди. Негаки, асосан оний кечинма асосига қуриладиган лирик ифодада таҳлил ва талқин ўзаро уйғунлашади. Бу нарса бадий тафаккурнинг келгу-си тараққиёт тамойилларини, реалистик тасвир маданияти имкониятларини, жанрлар ва ижодий услублар ранг-баранглигини асослайди. Ўзбек адабиёти тарихининг барча босқичида шеърият етакчи жанр бўлиб келган. Бугун ҳам шеъриятда даврнинг муҳим масалалари ранг-баранг тасвирлар орқали ўзининг бадий инъикосини топмоқда. Бу борада шоирлар адабиётимиздаги мавжуд тажрибалардан фойдаланган ҳолда уларга янги тамойилларни ҳам олиб кирмоқда. Таъкидлаш кераки, шеъриятда диалоглар қўллаш ўзбек адабиёти тарихидаги ўзига хос анъаналардан биридир. Хусусан, мумтоз адабиётимизда А.Навоий, Фурқат, замонавий адабиётимизда Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Юсуф каби шоирлар ижодида ушбу анъананинг самарали давомини кузатиш мумкин.

Адабиётимизга ўзига хос оҳанг, янги бадий ифодалар олиб кира олган шоирлардан бири Муҳаммад Юсуфдир. У ўзининг дастлабки шеърлариданоқ халқ дардини ўз дарди сифатида ифода қила бошлади. Унинг ҳар бир шеърда самимийлик, ҳеч бир шоирга ўхшамайдиган бадий ифода кўзга ташланади. Шу билан бирга шоирнинг аксарият шеърларида чуқур фалсафий-психологик талқин етакчилиқ қилади. М.Юсуф шеърларининг яна бир ўзига хос хусусияти шуки, шоир ўзи баён этмоқчи бўлган фикрни ифодалашда диалоглардан моҳирона фойдаланади. Унинг «Она мени нега...» шеъри ушбу фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу шеър атиги саккиз сатрдан иборат бўлиб, ҳар икки мисрадан бир савол нега туғдинг?

- Она мени нега туғдинг?
- Юртинг учун.
- Она мени нега туғдинг?
- Бахтинг учун...
- Она мени нега туғдинг?
- Зориққандан.
- Она мени нега туғдинг?
- Зериккандан... [2. 154].

Аҳамият берсак, шеърда берилаётган жавобларда теран фалсафий мушоадакорлик мавжуд. Бу эса шеърда берилган жавобларда ўз аксини топади. Бир қарасак она-боланинг оддийгина савол-жавобидек кўринган шеър шоирнинг юксак фалсафий-манتيқий тафаккури орқали бадий кашфиётга айланган. Диққат қилинса, берилган жавобларда орқага чекинмиш сезилади. Берилган савол эса шоир қалбини бир умр қйнаб келган энг катта муаммо сифатида намоён бўлади. Ушбу жумбоқларга жавоб топиш учун, аввало, шеърдаги лирик кечинманинг ифода қилиниши масаласига аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳаммад Юсуфнинг ушбу шеъри истиқлолдан олдинги йилларда ёзилган. Тўғри, шеър шунчаки бир ўтиришда яратилган бўлиши мумкин, лекин унинг вужудга келишига асос бўлган савол шоирни бутун умр ўйлантириб келган.

Калит сўзлар:
диалог, монолог, индивидуаллик, бадий ифода, образlilik, бадий тафаккур, фалсафий талқин.

Ключевые слова:
диалог, монолог, индивидуальность, художественная интерпретация, образность, художественная идея, философское толкование.

Key words:
dialogue, monologue, individuality, literary interpretation, literary idea, philosophical interpretation.



рози кайфиятда яна шу савол («Она мени нега туғдинг?»)ни такрорлайди. Фарзанд қалбини аниқ ҳис қилиб турган Она эса бу саволга ортқ бардош беролмаслиги сабабли «Зериккандан», дея жавоб беришга мажбур бўлади.

Кўринадики, таҳлил қилинган шеърда ифода-ланган бадий-фалсафий ғоялар тизими ўзига хос аҳамиятга молик. Зеро, ушбу мўъжазгина шеърдан биз ўтган даврнинг сохта ғояларидан алданган инсонлар қисмати ҳамда бу ғояларнинг бугунги кундаги кадр-қиммати ва уни ардоқлаш, кадрига етиш борасида ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз.

Демак, адабий асарда қаҳрамон яратиш ижодкор эстетик идеалининг маълум бадий қонуниятлар асосида тасвирланиб, ўзи ифодаламоқчи бўлган фикрни ўзига хос услуб ва маҳорат билан акс эттиришидир. Хусусан, шеърятда лирик қаҳрамон тасвири орқали шоирнинг қалб ҳақиқати, ўзи яшаган даврга хос муҳим масалалар ҳар-хил усул ва тасвирлар орқали бадий тапқин этилади. Шу маънода, ҳар қандай бадий асар қаҳрамони фаолиятдан китобхон ўзининг маълум бир фазилат ёки иллатларини англаши, муайян давр ғояларига жавоб топа олиши лозим, шундагина у ўша қаҳрамон тақдири ва тапқинига бефарқ қарай олмайди.

М.Юсуфнинг халқимиз бошидан кечирган қа-тагон даври воқеаларини акс эттирувчи «Қора қуёш» достонида ҳам кўплаб диалогларни учра-тиш мумкин. Уларда шоир мавжуд давр психоло-гиясини, муайян замондаги ҳаёт ҳақиқатларини юксак бадий маҳорат билан тапқин қилади.

– Елғон нима, эй одам?

– Елғон – ўт ўсмас дала.

– Ҳақ нимадир, эй одам?

– Ҳақиқат етим бола... [2.209].

Ушбу сатрларда шоир қатагон давларида инсон эрки, ҳуқуқлари нақадар топталганлигига шундай чиройли бадий ифода толганки, гўё уни бошқача сўзлар билан изоҳлаш мумкин эмасдек туюлади. «Қора қуёш» достонининг «37 йил йиғи-си» қисмида шундай сатрларни учратамиз:

– Қайғу нима, эй одам?

– Қайғу ҳам ширин армон.

– Бахт нимадир, эй одам?

– Бахт бир бурда қора нон [2.225].

Ушбу парчада ҳам шоирнинг инсониятга нисба-тан айтаётган кўнгил нидосини аниқ ҳис қиламиз. Уларда муаллифнинг қалб кечинмалари, бадий тафаккури орқали қайғу, бахт каби тушунчаларга нисбатан фалсафий-манتيқий муносабат ўзгача йўсинда ифодаланади. М.Юсуф шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдирар экан, Қ.Йўлдошев шундай ёзади: «Оловли шеърый нафас, кутилмаган ташбеҳлар, ўтқир ва сермаъ-но тимсоллар, майин оҳанглар шоир битикларига хос хусусиятлардир. М.Юсуф ижодини ўрганиш ўзбекнинг кўнглини яхшироқ билиш имконини бе-ради. Шоирнинг шеърлари турли йўналишда, улар муаллифнинг турфа кайфиятини ифода этган. Ле-

Зеро, адабиётшунос олим Б.Саримсоқов таъкид-лаганидек, «Лирик кечинма баъзан оний руҳий хо-лат сифатида кечиб, эстетик қиммат касб этувчи маҳсул беради ва йўқолади. Баъзан эса у муайян тугалликка, эстетик қиммат касб этувчи асар си-фатида шакллана олмай, ижодкор қалбида, шу-рида узоқ вақтлар сақланиб юради. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, лирик кечинма воқе бўлиши ва тугал эстетик қимматга эга бўлган асар сифатида шаклланишига қараб икки хилга бўли-нади: 1. Оний лирик кечинма. 2. Хотиравий лирик кечинма» [4.185]. Шу маънода айтиш мумкинки, шеърдаги ҳар бир банд орасида маълум бир вақт, ҳаётий сабоқ, ақлий идрок мужассамлашган.

Шеърнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ нигоҳ ташласак, такрорланаётган бир хил саволга бе-рилаётган ҳар хил жавоблар орқали шоир мавжуд тузум ва унга нисбатан бўлган эътиқодидан қайта-ётган қаҳрамон – Она сиймосини гавдалантиради. Чунки, асарда лирик қаҳрамон мавжуд воқелиқдан том маънодаги «Юрт учун» фидокор инсонларни, «Бахт учун» кураш самарасини кўра олмайди. Таъ-бир жоиз бўлса бундай улуг туйғуларни тасаввур ҳам қила олмайди. Узидан насл-насаб қолдириш, авлодини давом эттириш мақсадида «Зориққан-дан» фарзандини дунёга келтирган Онанинг бу жавобидан лирик қаҳрамон янада хайратга туша-ди. Чунки, келажак авлоднинг тақдири, истиқболи ҳақида қайғурмаётган муайян муҳит ғояларини идрок этиб улгурган фарзанд энди тамомила но-

кин Муҳаммад Юсуфнинг бутун ижоди учун меҳрга ташналик, инсонни аяшга интилиш етакчи белги эди, десак адашмаган бўламиз» [1.290].


Куринадики, М.Юсуф лирикасида диалоглар орқали давр ва қаҳрамон характери, инсон тақдир талқини масаласи чуқур бадиий таҳлил қилинади. Шоир шеърларидаги диалогларда саволларга берилган жавоблар, улардаги такрорий усул орқали ўзининг руҳий кечинмалари, ҳаётни ва инсонни тушуниш ҳамда тушунтиришида реалистик тасвир имкониятидан моҳирона фойдаланади. Айни пайтда уларда ижодкор шахсияти ҳам яққол намоён бўлади.

Маълумки, диалог оғзаки ва ёзма нутқ бирикувидан ҳосил бўладиган шакл сифатида сўзловчи ҳамда тингловчи муносабатларининг узлуксизлигини таъминлайди. Унда синтактик танлов асосида қурилган баён услубий вазифадошлиги инъикос топган ҳолда адабий тип уч қатлами – китобий услуб, умумхалқ сўзлашув услуби ва луғавий бирликлар туркуми уйғунлашади. Шунинг учун ҳам унда руҳий ва ижтимоий бўёқдорлик бир-бирини тўлдиреди. Агар драматик турга мансуб асарларда монолог ҳам диалоглашган моҳиятга бўйсундирилса, назмда мулоқот шакллари монологик ифодага сингиб кетади. Шу боисдан, шеърятда ушбу ҳолатни махсус усул сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Айнан бир томонлама мулоқот устуворлиги шундай ҳулоса чиқаришга тўртки беради. Негаки, лирика «мен» руҳий кечинмалари негизда вужудга келади. Унда шахс мақоми борлиқнинг умумлашган, мавҳумлашган ҳамда уюшган моҳиятини акс эттиради.

Монологик тафаккурга асосланган шеърда сўз, маъно, оҳанг ва маром омухталашади. Унинг қўлланлиш усули бадиий самарадорликни ҳосил қилувчи етакчи унсур, унда шакл такомиллашуви маъно-мантиқини янгилайди ва услуб барқарорлашувига шароит туғдиради. Айнан, ифода бадиий имкониятлари чексизлиги тасаввур миқёсларини ўқувчи онгига яхлит ҳолда кўчиришни тақозо этади. Бу борада М.Юсуфнинг «Тилак» шеърисида шундай сатрларни учратамиз:

*Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин юзларига, доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо – бир таёқ тушсин [3.26].*

Эътибор қилсак, мазкур шеърда ҳар бир инсонга кексалик бахтининг насиб этишини тилаб билдирилаётган самимий тилак шундай ифодаланганки, унда тасвирланаётган сочлардаги «оқ», юздаги «ажин» ва «доғ», қўлдаги «таёқ» инсонни энг муқаррам қилиб кўрсатувчи гўзаллик сифатида талқин этилади. Бу эса шоирнинг юксак бадиий тафаккур ва салоҳиятини намоён этади. Умуман, М.Юсуф шеъриятида қаламга олинган ҳар қандай мавзу қандай шаклда намоён бўлмасин ўзининг бетақрор ифодасини топаяди. Шоир шеърларида бадиий тасвирлар шу қадар нозик ифодаланадики, уларда ҳеч қандай ясама туйғулар, баландпарвоз сўзларни учратмайсиз.



Резюме

Мақолада ўзбек шеъриятида руҳий кечинма ва бадиий ифода масаласи тадқиқ этилган. Шоир маҳорати, диалог ва монологлардан фойдаланиши хусусида атрофлича мулоҳаза билдирилган. Мавзу М.Юсуф ижоди мисолида ўрганилиб назарий ва бадиий таҳлил натижалари умумлаштирилган.

Резюме

В данной статье рассматривается проблема духовного мира и художественного описания в узбекской поэзии. Досконально было рассмотрено мастерство поэта, способность использовать диалогическую и монологическую речь в работе. Тема была конкретизирована с примерами из произведения М.Юсуфа и обобщены теоретические и художественные анализы.

Summary

The presented article deals with the ways of giving inner world of people and literary descriptions in the Uzbek poetry. The article analyses the skillfulness of poets, their ability to use dialogues and monologues. The topic was enriched with the examples from Muhammad Yusuf's creations and there also concluded theoretical and literary analysis.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Қ. Ҳамиша навқирон шеърят // Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
2. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. –Т.: Шарқ, 2007.
3. Муҳаммад Юсуф сабоқлари (Тўпловчи ва маллиф Шукур Қурбон). –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012.
4. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва методлари. –Т.: 2004.